

Иффат | Тазкия дарслари (317-дарс)

ТАЗКИЯ
317-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимахуллохнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

A circular portrait of a man with a white beard and a white turban, wearing a light-colored jacket, speaking into a microphone. The background of the portrait is a patterned fabric.

19:00 / 15 февраль 640

«Иффат» сўзи луғатда «қабих нарсдан тийилиш» маъносини англатади. Ибн Манзур: «Иффат аслида қолдиқнинг ўрнига ўтадиган нарсани тановул қилиш ила кифояланишдир. Иффат (истилоҳда) ҳалол ва гўзал бўлмаган нарсдан ўзини тийишдир. Иффат ўта покликдир», деган.

Уламолар иффат ҳақида бир-бирини тўлдирувчи бир неча таърифларни айтганлар:

Роғиб: «Иффат нафсда бир ҳолатнинг ҳосил бўлиши бўлиб, у ила шаҳватнинг ғалабасидан четланилади.

Иффат нафсни ҳайвоний лаззатлардан тийиб туришдир. У ҳаддан ошган нафси бузуқлик билан нуқсон ҳисобланган шаҳватсизлик орасидаги ўртача ҳолатдир», деган.

Жоҳиз: «Иффат нафсни шаҳватлардан жиловлаш, уни жасадини тик туришга ва соғлиғини муҳофаза қилишга етадигани билан кифоялашдир. Барча лаззатли нарсаларда исрофдан четда бўлиб, мўътадиллик йўлини тутишдир. Мустаҳаб равишда қондиришга иттифоқ қилинган маълум шаҳватлар ҳам ҳожат тушган вақтдагина бўлиши керак. Шунда ҳам ундан кўпга ҳожат тушмайдиган миқдорда бўлиши лозим», деган.

Журжоний: «Иффат шаҳвоний қувватга оид ҳайъат бўлиб, у мазкур қувватнинг ҳаддан ошган ҳолатидаги фужур ва нуқсонга учраган

ҳолатидаги турғунлик орасидаги ўртача ҳолатдир. Ифбатли киши ишларни шариат ва мурувват асосида олиб борадиган одамдир», деган.

Ифбатнинг турлари:

Имом Мовардий ифбат ва унинг турлари ҳақида жумладан, қуйидагиларни ёзади:

«Ифбат, поклик ва сақланиш мурувватнинг шартларидандир. Ифбат икки турли бўлади:

Биринчиси – ўзини ҳаром нарсалардан ифбатда тутиш.

Иккинчиси – гуноҳлардан ифбатда бўлиш.

Ҳаромлардан сақланиш ила бўладиган ифбат ҳам иккига тақсимланади:

Биринчиси – фаржни ҳаромдан тийиш.

Иккинчиси – тилни кишиларнинг обрўсини тўкадиган сўзлардан тийиш.

Фаржни ҳаромдан тиймаслик шариат ман қилган ва ақл зажр қилган амал бўлиши билан бирга, шармандалиқ ва ор-номусга қолдиради.

Тилни кишиларнинг обрўсини тўкадиган сўзлардан тиймаслик эсипастларнинг иши, ғавғо аҳлининг интиқомидир. Бундан тийилиш осон. Ким нафсига қаҳр кўрсатиб, уни кучли қайтарувчи ила жиловламаса ва шиддат-ла зажр қилмаса, унинг уятига қолади ва зарарларига учрайди.

Гуноҳлардан ифбатда бўлиш ҳам иккига тақсимланади:

Биринчиси – ошкора зулм қилишдан ўзини асраш.

Иккинчиси – нафсни махфий хиёнат қилишдан қайтариш.

Ошкора зулм ҳалокатга элтувчи саркашлиқ ва нобуд қилувчи туғёндр. Агар у давом этаверса, ғолибо ўз эгасини ямлаб ютадиган фитнага бориб тақалади. Ниҳоят, унинг ағдалириши билан тугайди.

Махфий хиёнат пасткашлиқдан бошқа нарса эмас. Чунки уни қилган одам хиёнати ила хор бўлади. Одамлар унга ишонмай қўяди. Ким хиёнат қилса, хор бўлади, дейилган гап бор» («Адабуд-дунё вад-дийн», 384 бет).

Имом Ибн Жавзий «Сойдул Хотир»да ёзади:

«Камол азиздир. Комил оздир. Камолнинг аввалги сабаби бадан аъзоларининг мутаносиблиги ва ботин суратининг гўзаллигидир.

Бадан сурати «халқ» деб номланади. Ботин сурати «хулқ» деб номланади.

Бадан сурати хушбичимлик ва адабли бўлишдир.

Ботин сурати эса феъл-атворнинг гўзаллиги ва чиройли ахлоқдир.

Феъл-атворнинг гўзаллиги ифбат ва покликни одат қилиш, жоҳилликдан ўзини тортиш ва нафси бузуқликдан узоқда бўлишдир.

Чиройли ахлоқ – карамли бўлиш, бошқаларни ўзидан ортиқ кўриш, маъруф иш қилиш ва ҳилмли бўлишдир.

Ким ушбу нарсалар ила ризқлантирилган бўлса, улар уни камолга эриштиради. Ундан шарафли хислатлар зоҳир бўлади. Агар булардан бирор хислат камайиб қолса, нуқсонга сабаб бўлади» (284-бет).

«Аз-Зарийъа ила макоримиш-шарийъа» китобида ифбат ҳақида жумладан, қуйидагилар ёзилган:

«Билки, ифбатли бўлиш ҳаракатидаги одам бир неча шартлар билангина ифбатли бўлиши мумкин:

– Бир нарсадан ифбатли бўлиши ундан кўпини кўзлаб қилинаётган ҳаракат бўлмаслиги шарт.

– Ёки унга тўғри келмагани учун бўлмаслиги шарт.

– Ёки шаҳвати қўзимайдиган бўлгани учун бўлмаслиги шарт.

– Ёки оқибати завол бўлишини сезганлигидан бўлмаслиги шарт.

– Ёки уни тановул қилиш ман қилинган бўлмаслиги шарт.

– Ёки камчилиги туфайли уни танимаган бўлмаслиги шарт.

Чунки мазкур нарсаларнинг барчаси ифбатдан эмас. Балки улар ўз навбатида фурсатни овлаш, яхшини ахтариш, хасталик, бўш жой, ожизлик ёки жоҳилликдан иборатдир.

Нафсни шаҳватдан тиймаслик уни ғазабдан тиймасликдан кўра ёмондир.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.